

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
«КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ» факультети
«НЕФТЬ-ГАЗКИМЁ САНОАТИ ТЕХНОЛОГИЯСИ» кафедраси**

Ҳимояга рухсат берилди

«КТ» факультети декани

«НГКСТ» кафедраси мудири в.б.

_____доц. Атауллаев Ш.Н.

_____к.ф.н. Шарипов Қ.Қ.

«__»_____2014 йил

«__»_____2014 йил

Рўйхатга олиш рақами № _____

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

***Мавзу:** Газларни фракциялаш қурилмаси (ГФУ) таҳлили ва
пропан колоннаси буглатгичини ҳисоблаш.*

БАЖАРДИ:

4-10 НГҚИТ гуруҳи толиби

Исамов Зуфар

РАҲБАР:

Шомамедов Ж.

Ҳимоя куни _____

ДАК баёни _____

ДАК баҳоси _____

ДАК котиби _____

Бухоро – 2014 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«Нефт – газкимё саноати технологияси» кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ УЧУН ТОПШИРИҚ

4-10 НГҚИТ гуруҳи толиби Исамов Зуфар

БМИ мавзуси: Газларни фракциялаш қурилмаси (ГФУ) таҳлили ва
пропан колоннаси буғлатгичини ҳисоблаш.

КИРИШ.

1. ТЕХНИК ҚИСМ

- 1.1. Углеводород газларининг синфланиши.
- 1.2. Углеводород газларининг технологик келиб чиқиши.
- 1.3. Газ ва газоконденсатлар тавсифи.
- 1.4. Абсорбция жараёнининг физик - кимёвий асослари.
- 1.5. Абсорберлар ва уларнинг турлари.

2. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

- 2.1. Газни қайта ишлаш заводларидаги асосий тенологик жараёнларва қурилмалар ҳамда хом-ашё, махсулотлар таҳлили.
- 2.2. Таббий газларни намсизлантириш. Намсизлантиришни физикавий асослари.
- 2.3. Углеводород газларини нордон компонентлардан тозалаш
- 2.4. Углеводород газларини абсорбцион усулда фракцияларга ажратиш жараёни.
- 2.5. Газ таркибидаги водород сулфид ва меркаптанларни аниқлаш тажриба қурилмаси

3. ҲИСОБЛАШ ҚИСМИ

3.1. Газларни фракциялаш қурилмасидаги пропан колоннаси буғлатгичининг иссиқлик балансини ҳисоблаш

3.2. Газларни фракциялаш қурилмасидаги пропан колоннасининг конструктив ўлчамларини ҳисоблаш

4. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ

4.1. Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги.

4.2. Ёнғин хавфсизлиги.

4.3. Газни қайта ишлаш заводларида махсус ҳимояловчи кийимлар.

5. ГРАФИК ҚИСМИ

5.1. Буғлатгичнинг асосий чизмаси

5.2. Буғлатгичнинг деталлар чизмаси

5.3. Газ таркибидаги водород сулфид ва меркаптанларни аниқлаш тажриба қурилмаси.

5.4. Углеводород газларини абсорбцион усулда фракцияларга ажратиш жараёни технологик схемаси.

“КТ” факултети декани:

доц. Ш.Н. Атауллаев

“НГКСТ” кафедраси мудири:

к.ф.н. Қ.Қ. Шарипов

БМИ раҳбари:

Шомамедов Ж.

Битирувчи:

Исамов З.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1. ТЕХНИК ҚИСМ

- 1.1. Углеводород газларининг синфланиши.
- 1.2. Углеводород газларининг технологик келиб чиқиши.
- 1.3. Газ ва газоконденсатлар тавсифи.
- 1.4. Абсорбция жараёнининг физик - кимёвий асослари.
- 1.5. Абсорберлар ва уларнинг турлари.

2. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

- 2.1. Газни қайта ишлаш заводларидаги асосий тенологик жараёнларва қурилмалар ҳамда хом-ашё, махсулотлар таҳлили.
- 2.2. Таббiiй газларни намсизлантириш. Намсизлантиришни физикавий асослари.
- 2.3. Углеводород газларини нордон компонентлардан тозалаш
- 2.4. Углеводород газларини абсорбцион усулда фракцияларга ажратиш жараёни.
- 2.5. Газ таркибидаги водород сульфид ва меркаптанларни аниқлаш тажриба қурилмаси

3. ҲИСОБЛАШ ҚИСМИ

- 3.1. Газларни фракциялаш қурилмасидаги пропан колоннаси буғлатгичининг иссиқлик балансини ҳисоблаш
- 3.2. Газларни фракциялаш қурилмасидаги пропан колоннасининг конструктив ўлчамларини ҳисоблаш

4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ

- 4.1. Техник хавфсизлик қоидалари
- 4.2. Ёнгин хавсизлиги
- 4.3. Меҳнат муҳофазаси.

5. ХУЛОСА

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

КИРИШ

Газ саноати – Ёқилғи – энергетика мажмуасининг энг ривожланган тармоғи. Унинг Республикада қазиб олинаётган ёқилғи балансидаги ҳиссаси 82,2% ни ташкил этади. 1972- йилда Муборак газни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати ишга туширилиб, газни магистрал газопроводларга узатишдан олдин аралашмалардан тозалаш имкониятилари яратилди. (1994 йилда заводнинг 4-навбати ишга туширилди). Яқин йиллардада Шуртанда газ-кимё заводи биринчи маҳсулотларини бера бошлади. Фаргона нефтни, Муборак газни қайта ишлаш заводлари ва Шуртан газ комплексида йилига 100 минг тоннага яқин суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади.

Яқин йиллар ичида Ўзбекистон нефт, газ ва газоконденсат қазиб олиш бўйича кўринарли ўринларни эгаллайди. Бу эса Республикада юқори сифатли ёқилғи ишлаб чиқаришга ва келгусида кимё саноати учун маҳсулотлар етказиб берадиган хомашё базасини ташкил этишга ёрдам беради. Ўзбекистонда табиий газ конлари ва уларнинг захиралари жуда кўп. Бу эса газ қазиб олинганда чиқадиган (газ билан) газоконденсатни ишлаб чиқаришни қупайтиради. Шунингдек нефтни ҳам захиралари катта.

Газоконденсатларни юқори сифатли эканлиги – уларни таркибидаги нафтен ва ароматик углеводларни кўплиги (70 % гача) ва уларда смола-асфальтенли моддаларни деярли йўқлиги, олтингугурторганик бирикмаларни камлиги, газоконденсатларни полимер саноати учун ва бошқа кимёвий маҳсулотлар олиш учун қимматбаҳо хомашё эканлигини кўрсатиб турибди.

Нефтни қайта ишлаш саноатига янги процессларни кириб келиши (каталитик крекинг, гидротозалаш, гидрокрекинг) рангсиз нефт маҳсулотларини қуплаб ишлаб чиқарилишига олиб келди. Халқ хужалигини нефт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини бироз яхшилади.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

Лекин нефтни қайта ишлаш саноатининг ва бошқа сохаларнинг ютуқлари канча юкори булмасин – уларни ривожланишини техникавий даражаси жахон техника даражасидан махсулотларни комплекс қайта ишлаш сохасида, айникса, юкори сифатли махсулотлари - бензин, керосин, дизель Ёкилғиси, спиртлар, пластификаторлар, парафинлар, присадкалар ва бошқа кимматбахо кимёвий материаллар ишлаб чиқаришда орқада колмокда.

Бу масалаларни хал қилиш учун янги каталитик жараёнларни саноатга тадбик қилиш билан бир пайтда (каталитик крекинг, каталитик риформинг, алкиллаш, полимерлаш, гидротозалаш ва хоказо) принципиал янги катализаторларни синтез қилиш ва саноатга жорий қилиш керак. Бир катализаторда, бир реакторда, полифункционал катализатор ёрдамида икки-уч жараённи олиб бориш юкорида курсатилган камчиликларни бархам беришга ёрдам беради.

Янги катализаторларни яратиш, уларни саноат микёсида синаб қуриш куп вақт талаб қилади. Бунинг учун илмий текширув ишларини олиб бориш учун янги апаратларни қуллаш керак булади. Бунинг натижасида илмий тадқиқот ишларни бажариш учун кетадиган вақт анча камаяди. Бу ерда аналитик ишларда қулланиладиган хроматограф ва физик-кимёвий приборлар тугрисида, уларни тадқиқ қилиш масаласи турибди.

Нефтни қайта ишлаш ва нефт кимёси саноатида хозирги вақтда саноат микёсида жуда куп катализаторлар ишлаб чиқарилмокда. Лекин бу катализаторларни купчилигини 20-30 йил олдин тадбик этилган. Янги назариялар асосида тайёрланган ва тадбик этилган катализаторлар деярли йук.

Ўзбекистон иктисодининг ривожланишида Ёкилғи-энергетика комплексининг урни алохида. Унинг таркибига газ, нефт ва нефтни қайта ишлаш, кумир ва энергетика қиради. Ўзбекистон жахондаги унта йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига қиради. Ўзбекистонда дастлабки

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

нефт кони 1904 йилда очилган. (Фаргона водийсидаги Чимён нефт конида 278 м чуқурликдан суткасига 130 тонна нефт олинган). Шу даврда рус ва чет эл капитали нефть казиб олиш, уни қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини сотишни тула уз назоратига олди. “Санто” - Урта Осиё нефть савдоси ширкати ташкил этилди. 1913 йилда жами 13 минг тонна нефть казиб олинди. Урушгача бўлган даврда Ўзбекистонда нефт казиб олинадиган конлар сони 11 тага етди. 1959 йилда Фаргона водийси ва Сурхондарё вилоятидаги 9 та нефть конининг узидан 1460 минг т.дан зиёд нефт олинди. 1985 йилда Бухоро – Хива воҳасида яхши таркибли йирик нефт газ конденсатли Кукдумалок кони очилди. Шундан сунг Республика нефт саноати халқ-хужалигининг нефтга бўлган талабини тулиқ қондириш имкониятига эга бўлди ва четдан нефть ва нефть маҳсулотлари ташиб келтиришга зарурат қолмади.

Нефтни қайта ишлаш саноати соҳасида Олтиариқ, Фаргона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари ишлаб турибди. Фаргона заводи сурков мойлари ва ёнилғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган, ишлаб чиқариш бўйича 30 дан ортиқ технологик қурилмага эга. Олтиариқ нефть заводи эса ёнилғи йуналишида, унинг асосий технологик усқуналари 7 та. Бухоро нефт заводи яқинда, яъни 1997 йил 22 август кунини ишга туширилди. Нефть заводи тула қуватда ишлаганда улардан юқори октанли бензин, дизель ёқилғиси, кокс, парафин, мотор мойларига қушилмалар, ички ёнув двигателлари учун мотор ва сурков мойлари (компрессор, турбина, урчук мойлари), керосин, битум, мазут каби нефт маҳсулотлар олинади. Янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни узлаштириш дастурига мувофиқ янги технологиялар узлаштирилмокда. Кейинги йилларда қурилган кескин тадбирлар натижасида нефть казиб олиш ҳажми усди ва Республиканинг нефть мустақиллиги таъминланди.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

1. ТЕХНИК ҚИСМ

1.1. Углеводород газларининг синфланиши.

Табиий газнинг асосий таркибини метан (CH_4) ташкил этади. Метандан ташқари табиий газнинг таркибини унинг яқин гомологлари: этан, пропан, бутан ҳам ташкил этади. Табиий газ таркибидаги метаннинг массаси, унинг умумий углеводород массасига тескари пропорционал бўлади. Турли газ конларида табиий газнинг таркиби ҳам турлича бўлади. Табиий газнинг ўртача таркиби қуйидагича бўлади (ум.%): метан - 80-90; этан - 0,5 - 0,4; пропан - 0,2 - 1,5; бутан - 0,1 - 1; пентан - 0- 1. Бошқа газларнинг ҳажмий улуши 2-13 % ни ташкил қилади. Газоконденсат конидаги газлар табиий газ конларидаги газлардан - метанга C_5 ва ундан юқори углеводородларнинг гомологлари эргашганлиги билан фарқ қилади. Бу газлар кондан чиққанда босим пасайиши билан конденсацияланиб, суюқ фазага айланади. Бундай конларнинг пайдо бўлиши, чуқур қатламларда катта босим таъсирида нефтнинг қайтадан газга эриши билан изоҳланади. Газоконденсат таркибидан конденсатни ажратиб олгандан кейин, уларнинг таркиби табиий газ конидаги газларнинг таркибига ўхшаб қолади. Йўлдош нефт газларининг таркиби нефтнинг қатламда жойлашиш (ҳарорат ва босим) шароитига боғлиқ бўлади ва таркибида этан, пропан, бутанларнинг ва юқори молекулали углеводородларнинг миқдори кўплиги билан табиий газлардан фарқ қилади.

Жадвал 1. Айрим конларда табиий газларнинг таркиби

Кон	Миқдори, % ҳажмий.							
	CH_4	C_2H_6	C_3H_8	C_4H_{10}	C_5H_{12}	CO_2	H_2S	N_2
Лугинец кони (Томск вил)	85,1	3,6	3,0	2,3	1,1	1,0	-	3,9
Тюмень вилояти (куруқ газ)	98,6	0,1	-	-	-	0,2	-	1,1

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

Астрахан	47 ÷	2,0 ÷	0,9÷	0,4 ÷	0,3 ÷	18 ÷	20 ÷	~2,
газоконденсатли	54	5,5	1,7	0,9	1,6	21	26	0
Ставрополь	98,8	0,3	0,2	0,1	-	0,2	-	0,4

Жадвал 2. Айрим конларда йўлдош газларнинг таркиби

Кон	Газнинг таркиби, % ҳажмий.							
	CH ₄	C ₂ H ₆	C ₃ H ₈	C ₄ H ₁₀	C ₅ H ₁₂	CO ₂	H ₂ S	N ₂
Анастасиевск - Троицк	85,1	5,0	1,0	1,0	2,8	5,0	-	0,1
Ново - Дмитровск	69,2	10,0	10,1	5,0	5,0	0,7	0,0	0,1
Ромашкино	40,0	19,5	18,0	7,5	4,9	0,1	0,0	10,0
Оренбург вилояти	29,5	16,0	16,4	8,6	3,4	0,6	0,0	25,5

Углеводород газлари таркибини углеводородлардан ташқари азот, кислород, маълум миқдорда инерт газлари, углерод диоксиди ва бошқа компонентлар. ҳам ташкил этади. Уларнинг миқдори йўлдош нефт газларида ва табиий газларда турлича бўлади. Масалан, азот 0 дан 30-50 % умум. ни, углерод диоксиди 0 дан 10-15 % умум. ни ташкил этади. Водород сульфид асосан йўлдош газларда учраб. унинг миқдори 0,0001% дан то 6 % гача бўлиши мумкин, айрим конларда бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эга бўлади. Гелий ва аргоннинг миқдори кўп эмас, яъни то 0,1 % гача. (жадвал 1 ва 2)

Нефт конларидан фойдаланиш жараёнида йўлдош газлар таркибининг ўзгариши унинг физикавий хоссалари билан изоҳланади. Метан нефтда фақат газ ҳолатида, унинг гомологлари эса эритма кўринишида учраб, кейинчалик улар хоссаларининг фарқ қилиши бўйича, маълум кетма - кетликда ажратилиб олинади. Қачонки конда газнинг босими катта бўлса, газ тўлалигича метандан таркиб топади, лекин босим пасайиши билан газ таркибида метан гомологлари миқдори ортади. Шунинг учун нефтли катламдан фойдаланишнинг охирида, таркибида етарли миқдорда суюқ

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

углеводоролар - *газли бензин* сақлаган газлар ажралиб чиқади. Таркибидаги газли бензин миқдorigа қараб газлар қуруқ (сухие) ва ёғли (жирные) табиий газларга бўлинади. Қуруқ газлар таркибида газли бензиннинг миқдори 100 г/м³ дан ошмайди, таркибида 1 м³ газга 100 г дан ортиқ газли бензин тўғри келса, бундай газлар ёғли газлар деб айтилади.

Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЎ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

1.2. Углеводород газларининг технологик келиб чиқиши, газ гидратлари ҳосил бўлишининг олдини олиш.

Барча углеводород газларини уларнинг келиб чиқиши бўйича иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин: *бирламчи* ва *иккиламчи* углеводород газлари (УГ).

Бирламчи УГ -бу газлар ўз навбатидаер остидан, яъни қатламдан олинади. Улар қатламда жойлашиши бўйича табиий ва йўлдош УГ ларига бўлинади.

Табиий УГ - лари иккига бўлинади: Газ конидан олинadиган (*ГК*), таркиби жихатидан енгил газлар (метандан то бутангача) ва газоконденсат конидан олинган (*ГКК*), яъни кондан конденсацияланган ҳолда чиқадиган оғир газлар (оғир углеводородларнинг миқдори 5 дан 400% гача).

Йўлдош УГ - лари бу газлар нефт конидан нефт билан биргаликда чиқади, шунинг учун бу газларни йўлдош углеводород газлари дейилади.

Иккиламчи УГ - улар енгил углеводородлар ҳисобланиб, асосан нефтни термokatалитик қайта ишлаш жараёнларида ҳосил бўладилар. Одатда уларнинг таркиби метандан то пентангача бўлиб, тўйинган ва тўйинмаган УГ ларига бўлинади.

Тўйинган УГ - бу газлар нефтни бирламчи қайта ишлаш жараёнларида ва ортиқча водород босимида кечадиган каталитик (гидрокрекинг, гидротозалаш, изомеризация, каталитик риформинг) жараёнларида ҳосил бўлиб, таркиби тўйинган углеводородлардан ташкил топган бўлади.

Тўйинмаган УГ - бу газлар водород газни танқислиги билан кечадиган термодеструктив (каталитик крекинг, терминг крекинг, кокслаш, пиролиз) жараёнларида ҳосил бўлиб, таркибини асосан олефин углеводородлари сақлаган тўйинмаган углеводород газлари ташкил этадилар.

Табиий ёили газлар метан қатори углеводородлари аралашмасини ўзида намоён этади. Айрим конлардан чиқувчи газларида нордон компонентлар (водород сульфид, углерод икки оксиди, азот, кислород, камчил газлар –

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

гелий ва аргон) бўлади, шунингдек, барча табиий газларни доимий ҳамроҳи сув бугларидир.

Табиий газ таркибига кирувчи углеводородларни шартли равишда уч гуруга бўлиш мумкин:

- I гуруҳга метан ва этан киради, улар куруқ газлар ҳисобланиб, газларда уларнинг миқдори нормал шароитда 60 дан 95 % гача бўлади.
- II гуруҳга пропан, изобутан ва н-бутан киради. Бу углеводородлар нормал шароитда газ кўринишида, оширилган босимларда улар суюқ ҳолатга ўтади.
- III гуруҳга изопентан, н-пентан, гексан ва бироз юқори молекулали углеводородлар киради. Улар нормал шароитда суюқ ҳолатда бўлиб, бензин таркибига киради.

Газларни қайта ишлашнинг моҳияти шундаки, уларни таркибидан нордон компонентлар ва намликни йўқотиш, сўнгра бу газлардан 1 ва 2 гуруҳ углеводородларини ажратишдан иборатдир.

Маълумки углеводород газлари келиб чиқишига кўра уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Табиий газлар, мустақил ҳосил бўлган бўлиб таркибида жуда оз миқдорда суюқ углеводород сақлаган газлар;
2. Йўлдош газлар, нефт билан биргаликда чиқувчи газлар;
3. Завод газлари, нефтни қайта ишлашдаги деструктив жараёнларда ҳосил бўладиган газлар.

Табиий газлардан саноат корхоналари ва аҳоли турар жойларида ёқилғи сифатида кенг фойдаланилади, бундан ташқари кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам ашё бўлиб хизмат қилади. Бу маҳсулотлар асосан водород, ацетилен, формальдегид, хлороформ ва бошалар.

Йўлдош газлар коммунал эҳтиёжлар ва автотранспортларда ёқилғи учун қўлланилади, шунингдек, пиролиз жараёнлари учун ҳам ашё сифатида ҳам фойдаланилади.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

Нефт хом ашёларини қайта ишлашда ҳар бир деструктив жараёнлардан завод газлари ҳосил бўлади. Завод газлари углеводород таркибига кўра бир-биридан фарқланади. Термик крекинг газлари таркибида метан ва бошқа миқдорда тўйинмаган углеводородларга бой бўлади. Каталитик крекинг газларида бутанлар ва бутиленлар миқдори кўплиги билан характерланади.

Табиий газларни қазиб чиқариш ва қайта ишлашда доимо газ гидратлари ҳосил бўлади.

Гидрат ҳосил илувчи компонентлар асосан табиий газ таркибидаги энгил углеводородлар – метан, этан, пропан, изобутан, шунингдек, азот, углерод икки оксиди ва водород сульфид ҳисобланади. Табиий газ гидратлари куйидаги формулага эгадир: $CH_4 \cdot 6H_2O$; $C_2H_6 \cdot 8H_2O$; $C_3H_8 \cdot 17H_2O$; $C_4H_{10} \cdot 17H_2O$; $H_2S \cdot 6H_2O$; $N_2 \cdot 6H_2O$; $CO_2 \cdot 6H_2O$

Гидратлар кўриниши-оқ кристалл моддалар бўлиб, ҳосил бўлиш шароитига кўра муз ёки зичлаштирилган қорга ўхшайди. Углеводородли газ гидратларида сувли кристалл панжара катта қисми суюқ пропан ва изобутан тўла бўлади, кичик қисмида эса метан, этан, азот, водород сульфид ва углерод икки оксиди бўлади.

Газ гидратлари ҳосил бўлиши кувурлар ва жиҳозларда тикинлар туфайли кўндаланг кесим юзаси кичрайишига олиб келади.

Нефт ва газ саноати корхоналарида газларни қуриштириш ва ингибирлашни турли схема ва усулларида фойдаланилади. Газ гидратлари ҳосил бўлишига қарши курашда ингибирлаш усули (газ оқимида ингибитор қуриштириш) кенг қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, бунда нам газ оқимида қуриштирилган ингибитор сувда эркин эрийди ва натижада сув буғлари босими ҳамда гидратлар ҳосил бўлиш ҳарорати пасайтирилади. Ингибирлаш ҳисобига гидратлар ҳосил бўлиш ҳарорати пасайтирилишини Гамершмидт тенгламаси ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\Delta t = 0,556 K/M \cdot w/100 - w$$

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

бу ерда Δt - маълум босимдаги гидратлар ҳосил бўлишни пасайиш ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$; w - ингибитор масса улуши,%; K -ўзгармас (метанол учун $K=2335$; гликольлар учун $K=4000$); M - ингибитор молекуляр массаси.

Гидратлар ҳосил бўлишига қарши ингибиторлар сифатида метанол ва газларни қуритишда гликольлар кенг қўлланилади. Метанол (CH_3OH) – метил спирти бўлиб, газ оқимиغا киритилганда сув буғларини ютади ва уларни паст музлаш ҳароратидаги сувли спирт эритмасига ўтказди.

Гликольлар ҳам сув буғига тўйингандан кейин сепараторларда ажратилади ва сўнгра қайта тикланади.

Шунингдек, ингибиторлар сифатида кальций хлор (CaCl_2) ва литий хлор эритмалари ҳам кўп қўлланилади. Гидратлар ҳосил бўлишини олдини олишни янада самарали усули бу газларни қуритишдир, бунда намлик миқдори кескин камаяди.

Саноатда газ ва сиқилган углеводорларнинг қуритишнинг кенг тарқалган усуллари абсорбцион ва адсорбцион усуллари бўлиб, улар:

суяқ ютувчилар – гликоллар (моно, ди, три этиленгликольлар)

қаттиқ ютувчилар-(фаоллаштирилган алюминий оксиди, силикагел, бокситлар) синтетик цеолитлар ва бошқаларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Газ саноатида суяқ ютувчилар ёрдамида газларни қуритиш кенг қўлланилади. Газларни қуритиш қурилмада гликольларни қўллаш икки кўринишда бўлади: газ оқимиغا гликолни пуркаш ва абсорбцион.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЎ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

1.3. Газ ва газоконденсатлар тавсифи.

Газ конларидан олинган газ ёнилғилари таркибида кўпинча углеводородларнинг анча оғир фракциялари мавжуд бўлади, улар газ босими ортганда ва ҳарорати пасайганда осон суюқланади. Газ конденсатлари деб аталмиш ушбу фракциялар нефтдан олинadиган стандарт суюқ ёнилғилар ўрнида, мазкур ёнилғилар камёб бўлганда ёки иқтисодий мулохазаларга кўра ишлатилиши мумкин.

Ўрта Осиё газ конларидан олинadиган 1м^3 газнинг таркибидан 15-170 см^3 суюқ газ конденсатлари олинади. Албатта, газ конденсатлариниларни деярли қайта ўзгартирмаган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Газ конденсатларини қўллаш двигателнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини суюқ ёнилғиларга нисбатан пасайтирмаслиги лозим. Газ конденсатларининг муҳим томони ишлаб чиқаришнинг арзонлиги, сақлаганда хоссаларининг ўзгармаслиги, хусусиятлари ва таркибининг доимийлигидадир. Ўрта Осиё мазкур ёнилғиларни енг кўп етказиб берадиган минтақа бўлиб, нафақат ўз талабларини, балки Урал, Қозоистон ва Марказий ҳудудларни ҳам таъминлайди. Турли конлардан олинadиган газ конденсатларининг таркибида учқун билан ёндириладиган ИЁД талабларига жавоб берадиган енгил газ конденсатлари ва дизелларда қўллаш мумкин бўлган оғир газ конденсатлари мавжуд бўлади. Ўрта Осиё регионига мансуб бўлган бу икки туркум газ конденсатларининг баъзи бир хусусиятларини кўриб чиқамиз. Ҳар икки туркум учун умумий жиҳатлар шуки, газ конденсатлари таркибида чексиз бирикмалар мавжуд эмас ва улар ароматик, нафтен ҳамда парафинли углеводородлардан таркиб топган.

Енгил газ конденсатлари Муборак, Газли, Учқир ва бошқа конлардан олинади. Улар бензинларга нисбатан паст ҳароратда алангалана бошлайди, бу ўз навбатида ички ёнув двигателларини ИЁД таминлаш тизимида бўр тиқинлари пайдо бўлишига мойилликни кучайтиради.

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

Бироқ махсус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, замонавий ички ёнув двигател (ИЁД)ларнинг таъминлаш тизимида бўр тиқинлари ҳосил бўладиган ҳарорат машиналарнинг Ўрта Осиё шароитларида ишлаганида юзага келувчи одатдаги қийматдан бироз юқори бўлар экан.

Газ конденсатлари унча юқори бўлмаган антидетонатсион хусусиятларга ега бўлиб, уларнинг октан сони 54-58 оралиғида бўлади. Бироқ, ТЭС қўшиш ҳисобига газ конденсатларининг октан сонини ўрта сифатли бензинларникига тенглаштириш мумкин. Газ конденсатларини юқори октанли бензинлар билан аралаштириб, уларнинг детонатсияга чидамлилигини замонавий ИЁДлар талаб қилинадиган даражагача ошириш мумкин. Бу олда газ конденсатларидан фойдаланиш соф бензинга бўлган талабни 50-60 % камайтиради.

Газоконденсатнинг физик-кимёвий хоссалари

Кўрсаткичлар	Газ конденсатлари			ГОСТ 302-82 бўйича ёзги (Ё) дизел ёнилғиси
	I	II	III	
Сетан сони	43	53	52	камида 45
Фракция таркиби, °C:				
бошлангич айнаш ҳарорати	103	111	140	—
50 %қайнаш ҳарорати	151	201	208	280 дан паст
Охирги қайнаш ҳарорат	292	350	345	360 дан паст
20°C даги кинематик қовушоқлиги, мм ² /с	1,2	1,7	2,1	3,0...6,0
Олтингугурт миқдори, % :				
умумий	0,02	0,02	0,02	кўпи билан 0,2 %
меркаптанли	0,0001	0,0001	0,0001	кўпи билан

Газ конденсатларининг қовушоқлиги бензинларникига яқин бўлганлиги учун ИЁД таъминлаш тизимини конструктив жиҳатдан ўзгартириш талаб қилинади. Махсус тажрибалар енгил газ конденсатларининг етарли даражада барқарор эканлигини ҳамда уларни сақлаш пайтида исрофлар

Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

(буғланиш туфайли) юқори эмаслигини кўрсатди. Жадвалда газ конденсатларининг баъзи хоссалари келтирилган.

Оғир газ конденсатлари Республикамизнинг қатор газ конларидан олинади. Тажирибалар шуни кўрсатадики, уларда дизел ёнилғисига қараганда енгил фракциялари кўпроқ экан. Бу жиҳат дизелнинг ишга тушиш хусусиятларини яхшилаши ва ўз-ўзидан алангаланишигача бўлган даврда ёниш камерасида буғланишни жадаллаштиришга олиб келиши керак. Шу билан бирга, смолали қолдиқлар, ишлатилган газларда тутун ҳосил қиладиган оғир фракциялар миқдори мазкур газ конденсатларида стандарт ёнилғига қараганда сезиларли даражада кам бўлади ва у дизел хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатади. Кўпгина газ конденсатларининг сетаи сони 40-65 оралиғида, яъни дизел ёнилғисиникига тенг ёки бироз юқори бўлади. Бу жиҳат одатдагидек ростлашларда ИЁД анча равон ишлашини тامينлайди. Газ конденсатларининг зичлиги ва қовушоқлиги, одатда, дизел ёнилғисиникидан кам бўлади, бу эса дизел ёнилғисига мўлжалланган ёнилғи тизимидаги тсикл давомида бериладиган ёнилғи миқдорининг бироз камайишига ва пуркаш босимининг пасайишига олиб келиши мумкин. Агар дизел кўрсаткичлари андоза ёнилғиларда ишлагандаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада ёмонлашадиган бўлса, газ конденсатларининг қовушоқлигини махсус қуюлаштиргичлар, масалан, полиизобутилен ёки дизел ёнилғиси қўшиб ошириш мумкин. Натижада стандарт ёнилғига бўлган талаб 40-50 % камаяди.

Қатор газ конларидан олинadиган газ конденсатлари таркибида енг зарарли модда - олтингугурт бўлади. Баъзи ҳолларда уларнинг миқдори 3 % гача етади ва бу газ конденсатларини (ИЁД) лари учун ёнилғи сифатида ишлатишни чеклаб қўяди. Газ конденсатлари таркибидаги олтингугуртни камайитириш учун махсус технология қўллаш талаб етилади, бу эса газ конденсатлари ишлаб чиқаришни қимматлаштиради. Бироқ, Ўрта Осиё регионида ишлаб чиқариладиган газ конденсатларининг таннархи ИЁД

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

ларида қўлланиладиган стандарт ёнилғиларникидан бир неча марта арзонга тушади. Чунки газ конденсатларидан газ конлари янидаги туманларда фойдаланилади, шунинг учун ташиб келтиришга сарфланадиган харажатлар стандарт ёнилғиларникига нисбатан кам бўлади.

Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

1.4. Абсорбция жараёнининг физик - кимёвий асослари.

Газларнинг суюқ ютувчилар(абсорбентлар)да ютилиши(газларнинг эриши) жараёнига, *абсорбция* деб айтилади. Эритма таркибидан эриган газларнинг ажралиб чиқиши, яъни абсорбцияга тескари бўлган жараён - *десорбция* дейилади. Абсорбцион жараёнлар газ ва суюқ фазаларнинг иштироки билан кечади. Абсорбцияда модда газ фазасидан суюқ фазага ўтиши кузатилса, десорбцияда унинг тескарисси - суюқ фазадан газ фазасига ўтади.

Амалиётда кўпинча алохида компонентлар маълум миқдорда эритувчиларда ютилиши мумкин бўлган газли аралашмалар абсорбция қилинади. Газли аралашманинг ютилмайдиган қисми инерт газлар деб айтилади.

Суюқ фаза - ютувчи(абсорбент)дан ва газ фазасидан абсорбцияланган (ютилган) компонентдан ташкил топган. Агар ютувчи молекуласи ва газ аралашмасидан абсорбцияланган компонент молекуласи ўртасида ўзаро кимёвий таъсирлашиш содир бўлмаса, бу жараён *физикавий абсорбция* дейилади. Ютувчи ва абсорбцияланган компонент молекулалари ўртасида кимёвий реакциялар борса, бу жараён *хемосорбция* деб айтилади.

Газли ва суюқли фазаларнинг тўқнаштирилишини амалга оширишнинг турли хил усуллари мавжуд. Суюқ аралашмаларни ректификациялаш каби абсорбция ҳам кўпинча насадка қаватига ёки маълум бир тарелкалар сонига эга бўлган цилиндр аппаратлари (абсорберлар)да амалга оширилади. Абсорберларда ютувчи юқоридан пастга қараб, газ аралашмаси эса, қарама-карши йўналишда пастдан юқорига қараб ҳаракатланади. Абсорбернинг юқори қисмидан таркибидан абсорбцияланган компонентлари ажратилган газ аралашмасининг қолдиғи чиқарилади.

Насадкали абсорберларда суюқ ютувчи ва газ фазаларнинг тўқнашиши тўхтовсиз амалга оширилади. Тарелкали колонналарда эса бундай тўқнашиш босқичма - босқич , яъни тарелкаларда амалга оширилади.

Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

Амалда физикавий абсорбцияда газ фазасидан компонентларни тўлиқ ажратиб бўлмайди.

Хемосорбцияда - газ таркибидаги абсорбцияланаётган компонент суюқ фаза билан буғланмайдиган кимёвий бирикмалар кўринишида боғланади. Агар кимёвий реакция қайтмас бўлса, газ таркибидан компонентни тўлиқ ажратиш олиш мумкин.

Босимнинг ортиши ва ҳароратнинг пасайиши билан абсорбция жараёни активлашади. Десорбция жараёни эса паст босим ва юқори ҳароратда олиб борилади. Конструкцияси бўйича абсорбер ва десорбер колонналари бир - бирига ўхшайди.

Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЎ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				


1.5. Абсорберлар ва уларнинг турлари.

Абсорбция жараёни фазаларни ажратувчи юзада рўй беради. Шу сабабдан абсорберларда иложи борича газ ва суюқлик ўртасидаги тўқнашув юзасини кўпайтириш зарур. Ушбу тўқнашув юзасини ҳосил қилиш усулига кўра абсорберлар шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) юзали ва юпқа қатламли (жумладан насадкали); 2) барботажли (тарелкали); 3) суюқлик сочиб берувчи.

Насадкали абсорберлар. Бундай колонналар энг кўп тарқалган юзали абсорберлар қаторига киради. Ҳар хил шаклли ва ўлчами 12/150 мм бўлган каттиқ жисмлар, яъни насадкалар билан тўлдирилаган вертикал колонналарнинг тузилиши содда ва юқори самарадорликка эга бўлгани учун улар саноатда кенг ишлатилади. Насадкали колонналарда насадкалар газ ва суюқлик ўтадиган таянч тўрларга ўрнатилади. Қурилманинг ички бўшлиғи насадка билан тўлдирилган бўлади ёки ҳар бирининг баландлиги 1,5 - 3 м бўлган қатламлар ҳолатида жойлаштирилади. Газ турнинг тагига берилади, сўнгра насадка қатлампидан ўтади. Суюқлик эса колоннанинг юқори қисмидан махсус тақсимлагичлар орқали сочиб берилади, у насадка қатлампидан ўтаётганда пастдан берилаётган газ оқими билан учрашади. Колонна самарали ишлаши учун суюқлик бир текисда, қурилманинг бутун кўндаланг кесими бўйлаб бир ҳар сочиб берилиши керак. Бу қурилмаларда контакт юзаси эса насадкалар ёрдамида ҳосил қилинади. 1–расмда насадкали абсорбер тасвирланган. Қурилманинг қобиғи 1 кавшарлаш йўли билан яхлит қилиб таёрланади ёки бир неча алоҳида олинган қисмлардан тузилган бўлади. Насадкаларни намлаш учун суюқлик таркатувчи тарелка 2 орқали берилади. Насадка 3 қурилманинг баландлиги бўйича бир неча қатламларга ажратилган ҳолатда таянч тўрлари 4 нинг устига жойлаштирилади. Насадкани қурилмага юклаш ёки ундан тушириш учун люклар 6 ва 8 хизмат қилади. Колоннанинг юқори қисмида суюқлик томчиларини қайтарувчи

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

қурилма 7 жойлаштирилган. Насадкали колоннада газ ва суюқлик қарама-қарши йўналган бўлади.



1-расм. Насадкали абсорбер:

1- қобик; 2- тарқатувчи тарелка; 3-насадка қатлами; 4- таянч тўрлари; 5-қайта тақсимловчи тарелкалар; 6,8-люклар; 7- қайтарувчи қурилма; А-газ кирадиган иштуцер; Б-газ чиқадиган иштуцер; В- суюқлик берадиган иштуцер; Г ва Д – суюқлик чиқадиган иштуцерлар.

Ҳозирги кунда саноат колонналарини тўлдириш учун турли насадкалар ишлатилади. Насадкалар солиштирма юзага, минимал массага ва катта эркин ҳажмга эга бўлиши керак. Улар қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланади:

1. Солиштирма юза $\text{м}^2 / \text{м}^3$; бу катталик абсорбернинг 1 м^3 ҳажмига тўлдирилган насадканинг юзасини билдиради.

2. Эркин ҳажм, $\text{м}^3 / \text{м}^3$; бу катталик 1 м^3 ҳажмдаги насадкаларнинг ичида қанча эркин ҳажм борлигини кўрсатади.


Бунда газ колоннага пастки иштуцер А орқали берилади ва иштуцер В ёрдамида ташқарига чиқарилади. Намлаш учун суюқлик колоннага юқориги иштуцер В орқали юборилади ва пастки иштуцер Г ёки Д ёрдамида ташқарига чиқарилади. Одатда насадкали абсорберларнинг диаметри 4 м дан ортмайди. Катта диаметрли колонналарда газ ва суюқликни қурилманинг кўндаланг кесими бўйича бир меъёрга тақсимлаш жуда қийин, шу сабабдан катта диаметрли абсорберлар самарадорлиги анча кам бўлади. Бироқ саноатда диаметри 12 м гача бўлган қурилмалар ҳам ишлатилади.

Ўзг. Варақ	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варақ
Бажарди	Исамов З				
Раҳбар	Шомамедов Ж				

3. Суюқликнинг ушлаб қолиш қобиляти, $\text{м}^2/\text{м}^3$; бу катталиқ насадка қатламининг ҳажм бирлигида ушлаб қолинадиган суюқликнинг миқдорини билдиради.

4. 1 м^3 насадканинг массаси, кг.

Насадкалар сифатида Рашиг ҳалқалари, керамик буюмлар, кокс, майдаланган кварц, полимер ҳалқалар, майдаланган кварц, полимер ҳалқалар, металлдан тайёрланган тўрлар, шарлар, пропеллерлар, эгарсимон элементлар ва бошқалар ишлатилади.



2- расм. Насадкаларнинг турлари:


*а- ришиг ҳалқаси; б-Лессинг ҳалқаси; в-крестга ўхшаш тўсиқли ҳалқа;
г- битта спиралли ҳалқа; д- иккита спиралли ҳалқа; ж- Берл эгари; з –
Инталокс эгари.*

Суюқликни сочиб берувчи абсорберлар. Бу абсорберларда фазаларни ўзаро жипс контакти суюқликни газ оқимиға сочиб ёки ёйиб бериш усули орқали амалга оширилади. Газ билан суюқлик бир-бирига нисбаттан қарама-қарши йўналган бўлади. Ичи бўш сочиб берувчи абсорберлар вертикал колоннадан иборат бўлиб, юқори қисмига суюқликни сочиб берувчи махсус форсункалар ўрнатилади. Социб берувчи абсорберларда форсункалардан суюқлик узоқлашиб, томчиларга айланиши натижасида ҳажмий модда ўтказиш коэффициентининг қиймати бирдан камаяди. Шу сабабли бу

Ўзг.	Варак	№ Ҳужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

қурилмаларда форсункалар маълум масофада қурилманинг баландлиги бўйича бир неча қатор қилиб ўрнатилади. Форсункали абсорберларда газнинг тезлиги одатда 1-1,5 м/сек га тенг бўлади.

Сочиб берувчи ичи бўш абсорберларнинг тузилиши содда, гидравлик қаршилиги кам, ифлосроқ газ аралашмаларини ҳам тозалаш мумкин, бошқариш, тузатиш ва тозалаш осон. Камчиликлари: бу қурилмаларнинг эффективлиги юқори эмас, суюқликни сочиб бериш учун кўп энергия сарфланади, лойқаланган суюқликлар билан ишлаш қийин, фазаларнинг контакт юзасини ошириш учун кўпроқ суюқлик сарфланади, суюқлик томчилари колоннадан чиқиб кетмаслиги учун газ тезлигининг миқдори кичик қийматга эга.



3-расм. Суюқликни сочиб берувчи абсорберлар:

а-ичи бўш; б-шарсимон насадкали.

Фазаларнинг нисбий тезлиги ва катта газ оқими тўлқинсимон ҳаракатда бўлгани учун бу қурилмаларда газ фазасидаги масса алмашилиш коэффициенти юқори бўлиб, бу абсорберлар яхши эрийдиган газларни суюқликка юттириш учун кенг қўлланилади.

Ўзг.	Варак	№ Хужжат	Имзо	Сана	01.01.К.ГФҚ.00.00.000. ТЁ	Варак
Бажарди		Исамов З				
Раҳбар		Шомамедов Ж				

2. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

2.1. Газни қайта ишлаш заводларидаги асосий технологик жараёнларва қурилмалар ҳамда хом-ашё, маҳсулотлар таҳлили.

Газни қайта ишлаш заводларидаги асосий жараён бу — бензинсизлаштириш жараёни ҳисобланади. қайта ишланадиган нефт газини ҳажмидан, бу газдаги зарур компонентларни ажратиш даражасига ва бошқа омилларга кўра бензинсизлаштиришни тўрт усули қўлланилади :

- Компрессорлаш;
- Паст температурали конденсация ва ректификатсия;
- Абсорбциялаш;
- Адсорбциялаш;

Бензинсизлантиришни компрессорлаш усулида газни сиқишга асосланган бўлиб, ҳаволи ва сувли совуткичларда совитилади. Бунда газ таркибидаги оғир углеводородлар ва сув буғлари конденсацияланади, сўнгра сепараторларда ажратилади. Бу усул орқали газдан зарур компонентлардан етарли даражада ажратиш имконини таъминлайди ва одатда бошқа бензинсизлаштириш усуллари билан бириккан олда ўтказиш талаб етилади.

Паст температурали конденсациялаш (ПТК) жараёнида сиқилган газ масус совуқагент (пропан, аммиак)лар иштирокида то паст (минусли) температурагача совитилади. Натижада газнинг катта қисми конденсацияланади. Углеводородли конденсат сепараторда ажратилади, сўнгра ректификацион колонна — деэтанизаторга берилади. Колонна юқорисидан метан ва этан, пастидан еса бекарор газсимон бензин чиқарилади.

Паст температурали ректификациялаш (ПТР) жараёнини паст температурали конденсациялаш (ПТК) дан фарқи, яни ПТР жараёни анча паст температурада боради ва ректификатсион колоннага икки фазали аралашма: совитилган ва углеводородли конденсат киритилади. Колонна юқорисидан бензинсизлантирилган газ, пастидан еса метансизлантирилган
